

Ибн Ҳаммодинг истисқоси



08:00 / 08.08.2020 1625

Котиб Ибн Азҳар айтади: «Ҳижрий 383 йили Бағдодда анчагача ёмғир ёғмай қўйди. Қози Исмоил ибн Ҳаммод намозгоҳга чиқиб, икки рақъат намоз ўқиди. Биринчи рақъатда Аъло сурасини, иккинчи рақъатда Ғошия сурасини ўқиди. Кейин минбарга чиқиб, икки марта хутба қилди, ридосини ечиб қўйиб, узоқ ваъз-насиҳат қилди. Унинг сўзларидан одамлар қўрқиб кетишди. Қозининг ўзи ҳам қаттиқ йиғлади, қўрққан ҳолида уйига қайтиб кетди.

Қози Исмоил ибн Ҳаммод ўша истисқо намози ўқиган куни кечаси, зулҳижжанинг саккиз куни қолганда, 82 ёшида вафот этди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан